

Маърузалардан барча мамнун бўлмоқда



18:00 / 30.06.2021 1096

Бугун Ҳомиджон домла Ишматбеков Яшнобод туманидаги “Ислом ота”, Муҳаммадайюбхон домла Ҳомидов “ал-Ҳудайбия”, Иброҳимжон домла Иномов “Пул емас ота”, Салоҳиддин домла Шарипов “Гўзал” масжидларида, Олмазор туманидаги “Имом Бухорий” масжидида эса Аброр Мухтор Али, “Абу Бакр Қаффоли Шоший”да Шайх Абдулазиз Мансур ҳазратлари, “Мирзо Ғолиб”да устоз Нуриддин домла Холиқназаровлар пешин намозидан сўнг маърузалар қилиб беришди.



Бугун “Иброҳим ота” масжидида Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари Абдуқаҳҳор домла Юнусов пешин намозидан сўнг маъруза қилиб бердилар.

